

МАРҲАБО ҲАЙДАР

УМИД  
ЧЕЧАКЛАРИ

*шебърлар*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2005

84(57) 6-5 Бадиий 242биец  
ШЕЗОЛАР


Ёш жўнгилнинг түгёнлари тераҳ, покиза булади.  
Юракниң тўридан қўйилиб келган туизулар қалбларда  
ажс садо беради. Ёш қаламкаш Марҳабо Ҳайдарованинг  
сара шеърлари «Умид чечаклари» номи остида  
эътиборингизга ҳавола этилаётib она-юрт келажаги,  
табиат таровати, ёшлик туизулари, гўзаллих завқ-  
шавғи — бу ва бошқа мавзулар мазкур китобча  
мундарижасини ташкил этади.

Масъул мұхаррир ва кириш сўз муаллифи:  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Ҳалқ шоири

60 31935  
091

ISBN 5-633-01796-X

© Марҳабо Ҳайдарова «Умид чечаклари».  
«Янги аср авлоди» 2005



## ТҮЙГУЛАР ТҮФЁНИ

Ёшлик, гўзаллик, мұхаббат, зэгулик — булар муштарақ тушунчалардир. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, бир-бирини тўлдиради, маъмунан бойитади.

Улуглар «Гўзаллик — дунёни қутқаради», деб ёзган эди. Даравоқе, гўзаллик, зэгулик ва мұхаббат бир-бирига қўл бергандагина буюк куч-қудратга айланади, дунё гўзаллашади, олам яшаради, яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қозонади.

Ёш шоири қизимиз Марҳабохоннинг қалб машиқлари билан танишар эканман, хаёлимдан ана шу теран туйгулар ўтди. Шеъриятнинг мўъжизасига яна бир иқрор бўлдим. Шу юртда туғилиб, унинг меҳрига қониб ижод қиласлик инсофдан эмас. Она табиатнинг мафтункорлиги, элимизнинг меҳнатсеварлиги, бир-бирларига меҳр-оқибатли эканлиги ҳар қандай зиёлини ҳам қўлига қалам олдиради. Эҳтиросли дил туйгуларини оқ қофозга тўқади, кўнгилни бўшатади.

Иқболини кўрган меҳнатда,  
Ўзбегимнинг меҳри бир дарё.  
Бундай халқни кутлар азалдан  
Эзгуликка эш бўлган дунё!

Ёш қаламкаш қалб түгёнларини чуқурлаشتариб, қадимий халқимиз, миллатимиз буюклигига дил сатрларини бағишлийди. «Мехрим ўзгача» шеърий тўпламдаги сара шаърлардан бири деб аташ мумкин.

*Эл кўнглида тоза тилаги,  
Хурмик дея урад юраги.  
Баҳоридай сўлим кузати,  
Ватан ўчун яшар ўзбеклар.*

Иқтидорли ёш шоири Марҳабохоннинг фасллар, дарё, жилғалар йўллари, сўқмоқлар, дарахтлару япроқларга бағишлиган қалб мисралари сизни бефарқ қолдирмайди, улардан инсоний туйгуларни излайди, муштарак тушунчаларига жўр бўлади.

*Адирларда ой чиқшини кутган кунлар,  
Булутларни нигоҳимда тутган кунлар,  
Эҳ, барчаси бир хотира ўтган кунлар,  
Ойдай қалба ботиб кетган болалигим.*

Марҳабо Ҳайдарова — талаба. У Тошкент маданият коллежида таълим олиши билан бирга, шеърлар ҳам машқ қиласди. Маърифатимиз, маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлиб, устозлардан сабоқ олиб шеъриятнинг сир-синоатини ўзлаштиришига, ижодда ўз сўзи, қаламига, овозига эга бўлишига ишончимиз комил.

Орзулар идрокка беради сабот,  
Умидлар ўйларга бўлади қанот,  
Сиздан зинҳор жудо қилмасин ҳаёт,  
Биринчи севгимсиз, биринчи севгим!

Нормурод Нарзуллаев,  
Ўзбекистон Ҳалқ шоури

NATLIB.UZ

## ЎЗБЕКИСТОН

Ватан десам кўзимда ёш, козимда ёш,  
Кўзга суртай нонларини, нонларони.  
Сироғиддин Саййид

Бизлар ўсдик билмай армон,  
Сенсанг меҳринг бўлди дармон,  
Эй, шағрмойин тутган макон,  
Мехрибоним – Ўзбекистон.

Шарқсанг тенасиз чамакисан,  
Битилмаган ҳали достон.  
Шоирларниг ватанисан.  
Қадрдоним – Ўзбекистон.

Гуллар сенси сунгани рост,  
Күёш чандан кўйиб ихлос.  
Менинг жоним сенга пайваст,  
Жонажоним – Ўзбекистон.

Сенга борим беражакман,  
Гар иўқласанг лаббай дебон.  
Сенга ёргу келажакман,  
Онажоним – Ўзбекистон.

Тонда насим чалди бир сас,  
Сенсанг менинг баҳтим кулмас,  
Сендан асло кечиб бўлмас,  
Муқаддасим – Ўзбекистон.

Юртим, бугун топдинг камол,  
Айт, ҳайда бор бундай жамол,  
Сен ҳеч қачон топма завол,  
Мангу озод – Ўзбекистон.

\*\*\*

Гулларни кучади, эҳ, шамол  
Гүёки буридаи убилааб.  
Бепарда сўзламанг бу завол,  
Юрагим қолади ҳувиллаб.

Шарт эмас севаман демоқлик,  
Отабек айтмаган Кумуига.  
Ўзбегим қизлари иболик,  
Севмасдан чиҳмайди турмушига.

Севса ҳам айтмайди бирорга,  
Нигоҳи сўзлайди, нигоҳи.  
Оловга ўхшайди оловга,  
Тутмасин севанинг гуноҳи.

Муҳаббат дилдаги кенг осмон,  
Қулимиш юлдузга еткайдир.  
Севаман деб айтманг ҳеч қачон,  
Ишқ қалбга меҳрини битгайдир.

Гулларни кучади, эҳ, шамол  
Гүёки буридаи убилааб.  
Севаман дессангиз бемалол  
Юрагим қолади ҳувиллаб.

## УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

Аёз қамчи ўйнар устимда,  
Йўлларимни бўрон тўсади.  
Қор остида қолган кўксимда  
Умид чечаклари ўсади.

Кимга яшаи бўлибди осон?  
Орзулар хор, армонлар хандон.  
Юрагимда авжи саратон,  
Умид чечаклари ўсади.

Айтмолмасдан қоламан бир суз,  
Нечун бунча кечикди нафрўз?  
Саргайтсада юрагимни куз,  
Умид чечаклари ўсади.

## ЮРАГИМ

Түсатдан юрагим сүзлай бошлади,  
Билмам, аллақандай илохий тилда.  
Ногоҳ уввос солиб, бүзлай бошлади,  
Кундузи, тунда ҳам уйда ва иўлда.

Билмайман унинг чин муддаоси не,  
Тушунмоқча сира қурбим етмасди.  
Тергарди: түгри юр, доим түгри де,  
Нима унинг менда бормикан қасди?

Виждон, иймон дерди ўзининг исмин,  
Унга қулоқ солсан куяди бағир.  
Ўзимга оғирлик қилмоқда жисмим,  
Унга асир бўлиб яшамоқ оеир.

Ҳар ким ҳам ўйлайди ўзининг тинчин,  
Рұхий азоблардан күзим ёшлийман.  
Энди одамлардек яшамоқ учун,  
Мен уни кўксимдан юлиб ташлайман.

Э воҳ, мақсадимни билib қолган у,  
Дейдияхшиликка ёмонлик қасдми?  
Дунёда лоқаиду ҳиссиз, бетуғиу  
Юраксиз яшамоқ баҳтсизликмасми?

## ЁШ АВЛОД ШИОРИ

Озодлик Оллохнинг инъоми,  
Халқимиз бошидан сочишган.  
Биз борар энг буюк манзилга  
Барча йўл, барча йўл очилган.

Қулларда ҳилтирап байроқлар,  
Кўкракда тумордир Гербимиз.  
Шу юртга, шу элга ҳамиша  
Ортадир юракда меҳримиз.

Она юрт, сен ишон, ёш авлод,  
Зафарлар тутгайдир қўлинга.  
Биз юлиб ташлаймиз тикандек,  
Ёв чиқса агарда йўлинга.

Шу эзгу тилак-ла яшаймиз,  
Шу тилак бизларга баҳт тутар.  
Ташлаймиз биз шаҳдам қадамлар,  
Бизни буюк келажак кутар!

## КҮКЛАМ

Дилда ечилмаган жажжи түгүнча,  
Гүё очилмоқчи бўлган бир гунча.  
Мен сени согиндим, согиндим шунча,  
Менга гул келтирган келинчак кўклам.

Ялпизлар тизилди жилга бўйига,  
Бир тоза ранг кирди олам рўйига.  
Яна тўй кўшилди ҳалқим тўйига,  
Наврўзни келтирган келинчак кўклам.

Қишининг инжиклиги заволга кетди,  
Қаҳратон совуқлар шамол-ла кетди.  
Мажнунтол барг ёзив хаёлга кетди,  
Менга гул келтирган келинчак кўклам.

Оламу одамлар уйвонди ана,  
Юртиминги жамоли янада кўркам.  
Бағрингга ўзимни отаман яна,  
Менга гул келтирган келинчак кўклам.

## МЕН СИЗНИ

Мен сизни изладым бөглардан,  
Саҳро-ю, күж ўтар тоғлардан.  
Тополмай, сурадим охири,  
Күнглида дарди йүқ соалардан.

Кулдилар, севгимдан кулдилар,  
Севгимдинг гулини күлдилар.  
Ишқ олов эканин билмайин,  
Дардсизлар бағримни тиілдилар.

Бу менинг дилдаги дардларим,  
Күксімдан тұқылған гардларим.  
Менга оқ йўл тиілар умидлар,  
Улар юракдаги мардларим.

Мен шундай умрымнинг йўлида,  
Гоҳ бўстон, гоҳида чўлида.  
Кўрқаман фақат бир ҳижрондан,  
Қолмайин армоннинг қўлида.

## ОНА

Она, меҳрингизни ичиб улгайдим,  
Кўнглингизга кўнглим очиб улгайдим.  
Дуоларингизни қанотлар қилиб,  
Мовий кенгликларни қучиб улгайдим.

Сиз бор, ҳовлимиизда фаровонлик бор,  
Сиз бор, умримиизга ҳамиша баҳт ёр.  
Сиз менинг баҳорим, баҳтим эгаси,  
Асло меҳрингизга бўлмайин ҳеч зор.

Онажон, сира дард курманг илошим,  
Сиз борсиз тенг билгум баҳор ва кузни.  
Жаннат оналарнинг пойида доим,  
Эритар меҳрингиз ҳаттоки музни.

Сўз ожиз, тил ожиз мадҳингиз учун,  
Дилда тилакларим узундан-узун.  
Умрингиз йўллари зулматсиз, ёрув,  
Бахтингиз доимо бўлсин бус-бутун.

## ЯНГИ ЙИЛ

Янги йил, яхши күн олиб кел элга,  
Бағрингда шодлигу қубончлар бұлсин.  
Юртимнинг бояи-ю тоғлари ҳар вакыт,  
Лаблардан туғилған кулгуга тұлсин.

Янги йил, оттоқ қор кафtingда сенинг,  
Эзгү тилакларнинг рангига ўхшаши.  
Келмаган ҳеч сира маъсум, бемаъно,  
Оҳори тўқилған кунларга тўқнаш.

Янги йил, тўрт фасл сени согинар,  
Тўрт фасл – мўъжиза қалб қури, нурда.  
Уларга уйлониш баҳтини бериб,  
Ўзинг ўтирасан жимгина тўрда.

Янги йил, сен келсанг қутлуг шаънингга,  
Тиллардан бол каби томар тилаклар.  
Йўлининг тафтини сочиб ташлайди.  
Безовта, бетоқат, бетин юраклар.

## НАВРҮЗ КЕЛСА...

Наврүз келса күрк очар боелар,  
Күнгилларга етар бүйлари.  
Анхорнинг жим, тиник оқиши  
Севиб қолган қизнинг ўйлари.

Наврүз келса нурга тўлар дил,  
Ошиқларнинг бўлар тўйлари.  
Мажнунтолнинг хаёл сурини,  
Севиб қолган қизнинг ўйлари.

Наврүз келса тунда Ой гўзал,  
Эҳтиросли сойнинг куйлари.  
Элитади оқшомни беҳол,  
Севиб қолган қизнинг ўйлари.

Наврүз келса яшиар адирлар,  
Таралади найнинг куйлари.  
Оҳуларнинг ҳуркиб қочиши –  
Севиб қолган қизнинг ўйлари.

## БОЛАЛИГИМ

Болалигим, боғлар сен-ла файзли эди,  
Олисларда қолиб кетган болалигим.  
Шодлигим шүк, бугун менинг шодлигим шүк  
Бор шодлигим олиб кетган болалигим.

Адирларда Ой чиқышин күтган күнлар,  
Булутларни нигоҳимда тутган күнлар,  
Эх, барчаси бир хотира ўтган күнлар,  
Ойдаи қалбга ботиб кетган болалигим.

Булутларни, қучар эдим қучган сайин,  
Жилга шөвқин соларди гоҳ сузимдайин.  
Үзинг айтгин қайга кетди, эй оққайин,  
Умрим болин тотиб кетган болалигим.


## БИРИНЧИ СЕВГИМ

Гулларнинг бўйлари энди бошқача,  
Энди гўзалликни ўзгача сезгум.  
Навбаҳор ҳам бу йил келди бошқача,  
Биринчи севгим сиз, биринчи севгим.

Ишқисизлар кўнглимни кездилар эзиб,  
Йўқ, мен адашмадим севилиб, севиб.  
Хаёлан оламни чиқарман кезиб,  
Биринчи севгим сиз, биринчи севгим.

Сиз учун бозимга гуллар экдим мен,  
Гоҳида ҳижронни, замони енгдим мен.  
Севги бўстонига мана, келдим мен,  
Биринчи севгим сиз, биринчи севгим.

Орзулар юракка беради сабот,  
Умидлар ўйларга бўлади қанот.  
Сиздан зинҳор жудо қиласин ҳаёт,  
Биринчи севгим сиз, биринчи севгим.



## ОЛТИН КУЗ

Күкда қанот қоқиб ўтди турналар,  
Боаларда дараҳстлар очди сариқ юз.  
Әтагига болдай нөмматлар солиб,  
Үлкәмиизга келди, қаранг, олтин куз.

Хирмонлар юксалар энди тоғ каби,  
Дәхқонлар заҳматин күкка күтариб.  
Гоҳ күкда булутлар күриниб қолар,  
Дәхқонни күркитмоқ бўлар йўталиб.

Ҳалқимиз азалдан меҳнатни суйган,  
Ҳосилни беувол ишқан даладан.  
Ҳар қанча булутлар келмасин, элим  
Кўрқмайди ҳеч қачон дўлдан, жаладан.

Бу эл мана шундай орли-номусли,  
Кўксида ғурури, тоза қалби бор.  
Меҳнатдир чиройи, меҳнатдир ҳусни,  
Шу сабаб бу элга баҳту иқбол ёр.

## БОҒИМДА

Капалак боғни кезиб,  
Гул ҳолини сўради.  
Мажнунтол хаёл суреб,  
Сочларини ўради.

Жилга жўшиб ялтизни,  
Илдизидан қитиқлар.  
Ҳам қитиқлаб тинмайин,  
Жилга ўзи қиқирлар.

Булбул — боғнинг ҳофизи,  
Маст раҳон буй уфурар.  
Майин сабо эринмай  
Боз шулчасин сутурар.

Шундай сўлим бу боғда  
Ҳаёт сокин оқади.  
Гўзал боқча сукланиб,  
Кўкда ҳилол боқади.

## МЕХРИМ ЎЗГАЧА

Боалар чаман, гўзал ҳусни бор,  
Бунда булбул тонгда созлар тор.  
Бу эл учун баҳту иқбол ёр,  
Ватан учун яшар ўзбеклар.

Эл кўнглида тоза тилаги,  
Ҳурлик дея урад юраги.  
Баҳоридай сўлим кузаги,  
Ватан учун яшар ўзбеклар.

Осмонига ярашар ҳилол,  
Булоқлари бокира, зилол.  
Бундай ўлка топмас ҳеч завол,  
Ватан учун яшар ўзбеклар.

Диёrimга меҳrim бир олам,  
Бахшишададир кўздаги жолам.  
Ҳавас қиласар ҳар битта одам,  
Ватан учун яшар ўзбеклар.

## УМИДИМГА ҮТ ЁҚДИМ

Иўлингизга термулиб,  
Кўзларим ҳам тўрт бўлди.  
Сизга интизор бўлиб,  
Дилдаги гулим сўлди.

Севгининг оловидан  
Ўт кетди тилакларга.  
Ёр бевафо бўлса ғам  
Тўларкан юракларга.

Мажнунтолнинг бир узун,  
Хаёлларида оқдим.  
Сабрим танимга сиамай,  
Умидимга ўт ёқдим.

Бирин-кетин орзулар  
Армонлар сари елди.  
Сен келмадинг, бевафо,  
Мени йўқлаб ғам келди.

## ЖИЛҒА

Тошдан тошга урилиб,  
Тоалардан оқар жилға.  
Күшиклари ёқимли,  
Сұвлари қылар жилға.

У боғларни кезади,  
Ялпизларга сүб тутыб.  
Гоҳ олмани олисга  
Кетар аста оқизиб.

Қалдирок дарё эмас,  
Жилғадан олар томчи.  
Томчисини юбориб,  
Чанқоққа бұлар сови.

Тонғда келиб капалак  
Юзларини ювади.  
Жилға шундай сабобға  
Ҳамроҳ бўлиб юради.

## ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ

Бокира тонглардан каммас қиёси,  
Кўзларга нур тутар ҳуснин зиёси.  
Иболи ўтади қўкламу ёзи,  
Баҳорга ўхшайди ўзбек қизлари,

Шаънига шеър битиши қанчалар шараф,  
Уларнинг тенги йўқ, йўқ ҳеч бир тараф.  
Дилларга ўт ёқар сабрни қалаб,  
Баҳорга ўхшайди ўзбек қизлари.

Ибратдир уларга Кумуш ва Раъно,  
Иффатда, одобда оламда танҳо.  
Йигитлар ҳаёти уларсиз саҳро,  
Баҳорга ўхшайди ўзбек қизлари.

Фуурдан яралган баланд тоғи бор,  
Барининг юзида баҳт маёни бор.  
Ҳар бирин қалбида сўлим боғи бор,  
Баҳорга ўхшайди ўзбек қизлари.

## КҮЗ ТЕГМАСИН

Осуда ўлкага түйлар ярашар,  
Богларда булбуллар яйраб сайрашар.  
Құвноқ болажонлар шодон яйрашар,  
Юртим тинчлигига ҳеч күз тегмасин.

Илм-фан бешигин тебратған бу эл,  
Билем камолига боғлагандир бел  
Дүстім, күрар бұлсанг сен бир бора кел,  
Юртим тинчлигига ҳеч күз тегмасин.

Қадимдан дүнёда шұхрати балаңд,  
Тошкенту Бухоро, Хива, Самарқанд.  
Бұлгаймиз шу элга мұносиб фарзанд,  
Юртим тинчлигига ҳеч күз тегмасин.

Гүзаллиги яшиар ҳар томонида,  
Хатто ҳикмати бор хас, сомонида.  
Илдім бораятмиз җүр карғонида,  
Юртим тинчлигига ҳеч күз тегмасин.

## МУҲАББАТ

Муҳаббат гунчага ўхшайди,  
Баҳорда бир гўзал очилар.  
Кўнгилнинг нурлари ўша пайт  
Бояларга, тояларга сочилар.

Муҳаббат қуинага ўхшайди,  
Сайрайди тунда ҳам, кунда ҳам.  
Юракка ин қуриб яшайди,  
Ичиб гоҳ шодликни, гоҳи зам.

Муҳаббат болага ўхшайди,  
Аразлаб қолади гоҳида.  
Гоҳида капалак қувлайди  
Кўнгилнинг кенг чаман бошида.

Муҳаббат оловга ўхшайди,  
Қишида ҳам, ёзда ҳам иситар.  
Инсонлар ҳаётин аслида  
Муҳаббат туғеуси қизитар.

## УСТОЗ

Устоз, изингизда җикматлар бисәр,  
Ортынгиздан ёруғ күнларга етдим  
Буюк келажакка йүллар очиб сиз,  
Үз мақсадим сари одимлаб кетдим.

Сизнинг хизматингиз азиз, бебаҳо,  
Бу менинг умрбод узолмас қарзим.  
Ҳаётим безаги сиз берган билим,  
Қошингизда доим құлурман таъзим.

Устоз ранж чекмаса илмга оғат,  
Зиё таратмоққа доимо шайсиз.  
Үзингиз учунмас, дүнёда факат  
Шу юрт келажаги учун яшайсиз.

## ДУГОНАМГА

Китоб ўқи, кўнглингга  
Зиёси таралади.  
Тафаккуру онгингда  
Фикрлар яralади.

Китоб ўқи, манзилинг  
Кўринади тунда ҳам  
Ҳаётингда асло сен  
Кўрмайсан ҳеч дарду ғам.

Китоб ўқи, дўстларинг  
Оқиллардан бўлади.  
Нафратланганинг фақат  
Жоҳиллардан бўлади.

Китоб ўқи, дўстлар ҳам  
Эргашади изингдан.  
Ҳалолликни ўрганаар  
Тўғри ишинг, сўзингдан.

## ЎСМИРЛИК ДАМЛАРИ

Еунақ күлса гулга айланар,  
Чаманзорга ифор таратиб.  
Тунда ошиғ булбулни ҳатто  
Тонгга қадар қўяр сайратиб.

Мұхаббатдан яралған дүнё,  
Диллар ичра яшайды севги.  
Гүзәлликдан баҳралар олиб,  
Қалға орзу түшайды севги.

У ўйлатар, у гоҳ куйлатар,  
Йиалатади беун гоҳида.  
Омад келиб васлаға етса,  
Ўйнатади ёрни боғида.

Күнлар ўтар, ойлар ва шиллар,  
Віддан кетмас шикнинг ғамлари.  
Диллараро агадий яшар  
Ўсмирикнинг қайноқ дамлари.

## ОНА ДИЕРИМ

Ўзбекистон, она диёрим,  
Меҳр бўйи келар бағрингдан.  
Мен ҳам сенинг бир қизаловинг,  
Сабр олдим битмас сабрингдан.

Шаҳарларини обод ва кўркам,  
Қишлоқларда файзу тароват.  
Тупроғингни кўзимга сургум,  
Тоғларингни қилиб зиёрат.

Она Ватан, жонажон Ватан,  
Тенгинг йўқдир бу олам аро.  
Саждагоҳим дея тиз мўқдим,  
Номинг эрур қалбимда танҳо.

Иқболини кўрган меҳнатда,  
Ўзбепимониг меҳри бир дарё.  
Бундай ҳалқни кутлар азалдан,  
Эзгуликка эш бўлган дунё.

Ўзбекистон, она диёрим,  
Меҳр бўйи келар бағрингдан.  
Мен ҳам жажжи бир қизаловинг,  
Сабр олдим битмас сабрингдан.

## ИБРАТ

Мен гуллар ўстидим мүжаз хонамда  
Ўзимча гўзаллик яратмоқ учун.  
Кимдир бош қотирадар ёргуғ оламдан  
Жами тирикликни йўқотмоқ учун.

Алҳазар, алҳазар, ё Раб, алҳазар,  
Қўрқинчдан айланмай қолар тилларим  
Рұхимни чўқтириб, хавотир эзар,  
Сизни қандай асраб қолсам, гулларим

Аюҳаниос солар ойнаи жаҳон,  
Бинога урилиб, портлар боинглар.  
Ҳануз ўз-ўзини қирмоқда инсон,  
Энди жонборларга ҳайкал қўйинилар.

Ҳатто баҳший шетъ ҳам ундан беозор,  
Чиндан ибрат булар инсониятга.  
Наҳот ўз наслига беради озор,  
Қандай ном қўямыз бундайин зотга?

## ҚАЛБИМНИНГ НУРИ

Юзларимни чимчилар аёз,  
Дилга ҳадик солар қаҳратон.  
Шеърим, менинг юрагимни ёз,  
Сен улардан қўрқма ҳеч қачон.

Сенга тоздан тилайман бардош,  
Дрөвонлар бор олдинда ҳали.  
Одимлайвер ва мардона ош,  
Эй қалбимнинг нури, машъали.

Сенсиз менга яшамоқ мушкул,  
Менсиз сен ҳам йўлларда ҳалак.  
Нетай, шеърим, тақдиримиз шул,  
Эй мунисим, жажжи капалак.

## МУНДАРИЖА

Н. Нарзуллаев.	Олтин куз .....	18
Түйгулар түрөни .....	Боримда .....	19
Ўзбекистон .....	Мерим ўзгача .....	20
«Гулларин кучади, эх, шамол...» .....	Умидимга ўт екдим .....	21
Умид чечаклари .....	Жилга .....	22
Юрагим .....	Ўзбек қизлари .....	23
Еш амод шигори .....	Кўз тегмасин .....	24
Кўклам .....	Мудаббат .....	25
Мен сизни .....	Устоз .....	26
Она .....	Дугонамга .....	27
Янги йил .....	Ўсмирилик дамлари .....	28
Наврӯз келса .....	Она дисерим .....	29
Бодалигим .....	Ибрат .....	30
Биринчча осигим .....	Қалбимният нури .....	31

Адабий — бадиий нашр

**МАРҲАБО ҲАЙДАРОВА**

**УМИД ЧЕЧАКЛАРИ**

*Шеърлар*

Муҳаррир Гобҳар Мирзаева

Бадиий муҳаррир Нодир Раҳимов

Тех. муҳаррир Елена Демченко

Мусаддиқ Наргиза Минахмедова

Садиғалоғи Нодир Раҳимов

ИБ № 4094

Босилига 24.10.2005 й.да руҳсат этилди.

Битими 70x84 1/32. Босма тобоги 1,0.

Шартли босма тобоги 1,09. Адади 500 нусха.

Бадоси кесамишлаган жарҳда. Буюртма № 218.

«Янги аср амоди» изашриёт-матбаз марказида тайёрланди.

«Ешлар матбуоти» босмахонасида босиди.

700113. Тошкент, Чилов мор-8, Қатортол кўчаси, 60.